

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2020.Т.115.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ЭГАМБЕРДИЕВ ФАЗЛИДДИН ОТАҚУЛОВИЧ**

**МАШИНАДА ТЕРИЛГАН ПАХТАНИНГ ТОЛАСИНИ САМАРАЛИ  
ТОЗАЛАШ УЧУН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТОЛА  
ТОЗАЛАГИЧНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02- Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Эгамбердиев Фазлиддин Отакулович**

Машинада терилган пахтанинг толасини самарали тозалаш учун  
такомиллаштирилган тола тозалагични ишлаб чиқиш..... 5

**Эгамбердиев Фазлиддин Отакулович**

Разработка модернизированного волоконочистителя для эффективной  
очистки волокна машинного сбора хлопка-сырца..... 21

**Egamberdiev Fazliddin Otakulovich**

Development of a modernized fiber cleaner for efficient fiber cleaning of  
machine collection of raw cotton..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 40

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2020.Т.115.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ЭГАМБЕРДИЕВ ФАЗЛИДДИН ОТАҚУЛОВИЧ**

**МАШИНАДА ТЕРИЛГАН ПАХТАНИНГ ТОЛАСИНИ САМАРАЛИ  
ТОЗАЛАШ УЧУН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТОЛА  
ТОЗАЛАГИЧНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02- Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В220.3.PhD/Т.1463 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Жиззах политехника институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.jizpi.uz](http://www.jizpi.uz)) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жуманиязов Қадам**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сулаймонов Рустам Шенникович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Исмоилов Алишер**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Жиззах политехника институти ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020. Т.115.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «29» декабрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 130100, Жиззах ш., И. Каримов шоҳ кўчаси-4. тел: (372) 226-46-05. факс: (372) 226-45-47; e-mail: [dgpi\\_info@edu.uz](mailto:dgpi_info@edu.uz)). Жиззах политехника институти маъмурий биноси, 1-кават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Жиззах политехника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (48- рақам билан рўйхатга олинган).

Манзил: 130100, Жиззах ш., И. Каримов шоҳ кўчаси-4. тел: (372) 226-46-05, (372) 226-45-47

Диссертация автореферати 2020 йил «21» декабрь куни тарқатилди.  
(2020 йил «21» декабрдаги 1- рақамли реестр баённомаси).



**А.Усмонкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

**И.Аббазов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**А.Паршев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга. Пахта бўйича “Халқаро консултатив қўмитаси (ICAC)”нинг статистик маълумотига кўра, жаҳон миқёсида пахта толасини ишлаб чиқариш ўртача 23,0 млн. тоннани ташкил этади<sup>1</sup>. Пахта толасини ишлаб чиқаришда жаҳонда пешқадам мамлакатлар Ҳиндистон ва Хитой бўлиб, уларда ишлаб чиқарилаётган тола миқдори жаҳонда ишлаб чиқарилаётган тола миқдорининг ўртача 24,5% ни ташкил этади. Жаҳон тола ва тайёр маҳсулот бозорида рақобатнинг юқори даражадалиги, рақобатбардош сифатли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлиги, бунинг учун, авваламбор, пахтага дастлабки ишлов беришда тола тозалаш техникасини такомиллаштириш орқали тола сифатини янада яхшилаш кераклигини кўрсатмоқда.

Жаҳон амалиётида замонавий техника технологиядан кенг қўлланиши, айниқса пахта хомашёсини қайта ишлаш жараёнида унинг сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш, тозалаш самарадорлиги юқори бўлган техника технологиялардан фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқиш муҳим масалалардан биридир. Бунинг учун пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологияси бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бунда қўл ва машина ёрдамида терилган пахта толасини самарали тозалайдиган тозалагични илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш, толани тозалаш жараёнини жадаллаштирувчи такомиллаштирилган ишчи қисмларнинг параметрларини аниқлаш ва уларни муқобиллаштириш зарур.

Мамлакатимизда етиштирилган пахта толасига ишлов бериш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш билан ички ва ташқи бозорга сифатли ва тайёр маҳсулот етказиб беришни назарда тутди. Бу енгил саноат тармоғининг янги рақобатбардош қиёфасини яратиш билан жаҳон савдо майдонларига ишончли кириб боришимизни таъминлайди. Бу йўналишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...» вазифаси белгилаб берилган<sup>2</sup>. Ушбу вазифани бажаришда тола тозалашнинг такомиллаштирилган самарали техника ва технологиясини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсифи-

<sup>1</sup>Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

кация Қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон Қарори, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта уствор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони, «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 25 ноябрдаги 53-сон, “Республика ҳудудларида пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 14 январдаги 21-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг уствор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» уствор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тола тозалагичларнинг ишчи қисмларини такомиллаштириш, энергия-ресурстежамкорлигини ошириш, қўл ва машинада терилган пахта толасини тозалаш технологиясини такомиллаштириш, толани тозалашни ишлаб чиқариш жараёнларига ва олинадиган толанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларига, чиқиндининг толадорлигига таъсири бўйича бир қатор чет эл олимлари, жумладан W.S.Anthony, R.V.Baker, R.M.Sutton, P.A.Boving, V.G.Arude, J.W.Laird, S.K.Shukla, T.S.Manojkumar, D.W.Van Doorn, B.M.Norman, Д.А.Полякова, Ж. Рей, Ҳ. Кресзенски, Д.Грумова, С.Стапчева, Е.Белинова, В.Д.Фролов, Г.Н.Горькова, Д.Н. Полякова, А.П. Алленова, Е.К. Ганеман ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Толани тозалаш жараёнининг техника ва технологиясини яратиш, ишчи қисмларининг параметрларини ва ишлаш режимларини такомиллаштириш орқали тозалагичларнинг тозалаш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган толанинг сифатини яхшилаш, чиқиндининг толадорлигини камайтириш бўйича назарий-методологик асоси бўлган фундаментал ва амалий масалаларни ривожланишида мамлакатимизда бир қатор олимлар, жумладан Г.И.Болдинский, Р.В.Корабельников, Х.К.Турсунов, А.А.Исмоилов, Э.Э.Ғойибназаров, Д.Х.Умархаджаев ва бошқалар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар.

Бугунги кунда пахтани машина билан терилишига катта аҳамият берилаётганлиги сабабли пахта толасини самарали тозалашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Машинада терилган қийин тозаланувчан селекцион навли пахта толасининг таркибидан майда ва йирик ифлосликларни самарали ажрата оладиган, толани тозалашда чиқиндининг толадорлигини кескин

камайтириш билан бирга ишлаб чиқарилаётган тола сифатини оширадиган самарали тола тозалагични яратиш муаммоси тўлиқ ҳал этилмаган. Бу борада илмий изланишлар асосан қўл теримида терилган пахта толасини самарали тозалашга қаратилган, аммо машинада терилган пахта толасини самарали тозалаш йўналишида етарли даражада илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жиззах политехника институти билан “Зарбдор пахта тозалаш” АЖ ўртасида тузилган 2020 йил №10 - сонли “Машинада терилган пахтани тозалаш самарадорлигини тола ва ип сифатига таъсирини ўрганиш” мавзусидаги хўжалик шартнома доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** машинада терилган қийин тозаланувчан пахтанинг толасини самарали тозалаш технологиясини таъминлайдиган такомиллаштирилган тола тозалагичнинг технологик ва конструкцион параметрларини ишлаб чиқиш иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

икки барабанли тола тозалагични такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш орқали машинада терилган, қийин тозаланувчан селекцион навли пахта толасини тозалаш технологиясининг самарадорлигини ошириш имкониятларини яратиш;

биринчи аррали цилиндрнинг толани қабул қилиш зонасида цилиндрнинг илашувчанлигини ошириш ва толани чиқиндига ажралишини кескин камайтириш учун йўналтиргич билан аррали цилиндрнинг тола қалинлигига таъсирининг назарий тадқиқотларини олиб бориш;

тозалагичдаги иккинчи аррали цилиндрнинг биринчи аррали цилиндрга нисбатан тезлигини оширишда толани тозалаш жараёнига таъсирининг назарий тадқиқотларини олиб бориш;

биринчи аррали цилиндрдаги арраларнинг иккинчи аррали цилиндрдаги арралар билан ўзаро шахмат шаклида жойлашишида тола таркибидан ифлосликларни ажралиш даражасига ва чиқиндининг толадорлигига таъсирининг назарий тадқиқотларини олиб бориш;

йўналтирувчи мослама ва аррали цилиндрдаги арраларнинг жойлашуви билан такомиллаштирилган тола тозалагичнинг муқобил параметрлари ва режимлари асосида толани тозалашда ишлаб чиқаришдаги характеристикасини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида толани тозалаш техника ва технологиялари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида машинада терилган пахта толасини тозалаш технологик жараёни ва уни самарали амалга оширишда техник ишланмалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий ва амалий механика, машина ва механизмлар назарияси, олий математика, тебранишлар назарияси, технологик машиналар иш жараёнларини математик

моделлаштириш, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биринчи аррали цилиндрда толанинг керакли қалинликда бўлишини таъминлаш учун янги конструкцияли йўналтирувчи мослама яратилган;

тозалаш модулидаги тола ҳаракати давомида биринчи аррали цилиндрда тозаланган тола илашувчанлигини яхшилаш ва йўқолишини олдини олиш мақсадида йўналтирувчи мослама билан биринчи аррали цилиндрнинг толага ўзаро таъсир даражаси аниқланган;

шахмат шаклида жойлашган арраларга эга бўлган биринчи ва иккинчи аррали цилиндрларда тола ҳаракати моделлари ва унинг ечимлари ишлаб чиқилган;

тозалагичнинг тозалаш самарадорлигини ва толанинг сифатини оширишда биринчи ва иккинчи аррали цилиндрдаги арраларнинг бир-бирига нисбатан жойлашувидаги оралиқ масофасининг муқобил катталиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

машинада терилган қийин тозаланувчан пахта толасини сифатини яхшилашда юқори тозалаш самарадорлигини таъминлайдиган такомиллаштирилган икки барабанли тола тозалагич ишлаб чиқилган;

биринчи аррали цилиндрда толани самарали илаштириш, чиқиндига ажралишини кескин камайтириш мақсадида толани керакли қалинликда бўлишини таъминлаш учун янги конструкцияли йўналтиргич ишлаб чиқилган;

биринчи аррали цилиндрдан иккинчи аррали цилиндрга толанинг тўлиқ ўтиши ва чиқиндига ажралиш миқдорини камайтириш мақсадида иккинчи аррали цилиндрни айланиш тезлиги биринчисига нисбатан 8-10% га оширилган;

толани ифлосликлардан тозалашни жадаллаштирилиши орқали тола сифатини ошириш учун биринчи аррали цилиндрдаги арралар билан иккинчи аррали цилиндрдаги арралар бир-бирига нисбатан шахмат шаклида жойлаштирилган;

амалий тадқиқотлар асосида икки барабанли тола тозалагич учун ишлаб чиқилган йўналтиргич ва аррали цилиндрлардаги арралар жойлашувининг оптимал технологик ва конструктив параметрлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тола тозалагич бўйича олинган хулосалар ва тавсиялар, тажриба синовларини пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқариш шароитида ўтказилганлиги, таққослаш натижаларининг олинганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, уларни маълум баҳолаш мезонлари бўйича адекватлиги, апробация ва тадбиқ қилиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотларни қиёсий таҳлили билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти машинада терилган пахтадан сифатли тола олиш мақсадида пахта тозалаш корхоналарида ўрнатилган икки барабанли 2ВПМ русумли тола тозалагич ускунасига конструкцион ўзгартиришлар киритиб, унинг тозалаш самарадорлигини ошириш ва ускунада юқори сифатли тола ишлаб чиқаришни илмий асосланган технологияси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тола сифатини яхшилаш билан чиқиндининг толадорлигини кескин камайтирадиган, тозалаш самарадорлиги юқори бўлган янги конструкцияли йўналтиргич ва такомиллаштирилган аррали цилиндрларга эга бўлган икки барабанли тола тозалагични тавсия қилинганлиги ва ишлаб чиқариш шароитида қўллаш имконияти билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта тозалаш корхоналарида қўл ва машина ёрдамида терилган пахта толасини тозалашда тозалаш самарадорлиги юқори бўлган ускуналарни яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта толасини тозалаш технологияси ва ускунаси «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги Жиззах вилоятининг Зарбдор пахта тозалаш корхонасида жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 28 августдаги 03-18/2212-сон маълумотномаси). Натижада юқори ва паст навли машина ва қўл билан терилган пахта толасини тозалашда тозалагичнинг тозалаш самарадорлигини 4,5% ва 2,5% га ошириш имкони яратилган;

такомиллаштирилган икки барабанли тола тозалагич «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги Жиззах вилоятининг Зарбдор пахта тозалаш корхонасида жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 28 августдаги 03-18/2212-сон маълумотномаси). Натижада юқори ва паст навли машина ва қўл билан терилган пахта толасини тозалашдан ишлаб чиқарилган толадаги нуқсондор тола ва ифлос аралашмаларнинг массавий улушини ўртача 0,16% ва 0,1% га камайтириш, ишлаб чиқарилаётган тола сифатини яхшилаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 та Республика ва 2 та хорижий журналларда (1та Scopus мақола) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пахта толасини тозалашда техника ва технологияларнинг аналитик таҳлили”** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва чет давлатда ишлаб чиқарилган тола тозалагичларнинг конструкциялари, толани тозалашда авфзаллик ва камчиликлари ўрганилган, тола таркибидан ифлосликларни ажратиш билан тола сифатини яхшилаш мақсадида аэродинамик, механик ва пневмомеханик усулда ишлатилаётган тўғри оқимли ва конденсор туридаги тола тозалагичларнинг бугунги кундаги ҳолати ўрганилган. Аэродинамик усулда толани тозалаш ускуналарида ҳаракатдаги ишчи қисмлар бўлмаганлиги сабабли толага енгил ёпишган ва фақат толанинг устки қисмидаги ифлосликларни ажратган, толага чуқур кирган ифлосликларни ажратмаганлиги сабабли уларнинг тозалаш самарадорлиги паст бўлганлиги, конденсор туридаги пневмомеханик усулда ишлайдиган тозалагичлар толани самарали тозалаганлиги, лекин уларда таъминловчи валик ва таъминловчи столикнинг қўлланилиши оқибатида толанинг штапель узунлигини ўртача 1,5-3,0 мм га қисқаришига олиб келиши, тўғри оқимли бир ва икки барабанли тола тозалагичлар конструкциясидаги камчиликлар оқибатида тола бир қисмининг тозаланмасдан транзит ҳолатида конденсорга кетиши, икки барабанли тола тозалагичнинг биринчи аррали цилиндр зонасидаги, биринчи ва иккинчи аррали цилиндрларнинг ўзаро жойлашишидаги камчиликлардан аррали цилиндрларнинг толани керакли даражада илаштирмаслиги ва толани керакли даражада тараш ҳамда ёймаслиги оқибатида чиқинди толадорлигининг ошишига, тозалагич тозалаш самарадорлигининг камайишига, ишлаб чиқарилаётган тола миқдори ва сифатининг пасайишига олиб келиши таҳлил қилинган.


Ўрганилган ва таҳлил этилган натижалар асосида қўл ва асосан машина билан терилган қийин тозаланувчан селекцияли пахта толасини тозалашда чиқиндига тола ажралишини кескин камайтириб, тола сифатини яхшилайдиган ва самарали тола тозалаш технологиясини амалга оширадиган такомиллаштирилган тола тозалагични ишлаб чиқариш зарурлиги аниқланган.

Диссертациянинг “Такомиллаштирилган ишчи қисмларга эга бўлган тола тозалагични тозалаш жараёнига таъсирининг назарий тадқиқоти” деб номланган иккинчи бобида аррали жиндан келаётган толани биринчи аррали цилиндр билан учрашишида илашувчанликни ошириш, маҳкамловчи чўтканинг ейилиш даврини ва чиқиндига толанинг ажралиш миқдорини камайтириш учун таклиф этилган йўналтирувчи мосламанинг ҳаракатдаги тола оқимиға таъсири ўрганилди (1, 2-расмлар). Бунда цилиндр остидаги колосниклар зонасида оқим ҳаракати стационар деб олинди, тола оқими қалинлиги  $h_0$  ни биринчи колосник билан ўзаро таъсирида, қатламнинг бошланғич  $A_1$  ва охириги  $C_1$  нуқталарини ўзгарувчан  $s$  га нисбатан боғлиқлик тенгламаси олинди:

$$b = [h + (h_0 - h)s/s_0]L_k \quad 0 < x < s_0 \quad (1)$$



1- расм. Колосникларни тозалаш зонасида жойлашиш схемаси



2-расм. Такомиллаштирилган тола тозалагичнинг оқим қалинлиги  $h_0$  га боғлиқлик схемаси

бу ерда:  $h_0$  -толанинг дастлабки қалинлиги, мм;  $h$  - колосникнинг оқимға максимал яқинлашган масофаси, мм;  $s_0$  - колосник қия текислик кесимининг узунлиги мм;  $L$  -барабаннинг узунлиги, мм;  $L_k$  - колосниклар билан контактда бўлган толанинг ажралиши.

Ажратилган  $mn$  элемент учун стационар ҳаракат шартида Эйлер тенгламаси тузилди:

$$Sp - [Sp + d(Sp)] - qL\beta dx = \rho v S dv \quad (2)$$

бу ерда:  $q = fp$  - ён босим;  $f_1$  ва  $f_2$  -мос равишда тола билан аррали цилиндр ва колосник орасидаги ишқаланиш коэффициентлари-  $f = f_1 + f_2$ .

Тозалаш зонасида ҳаракатланаётган тола оқими босимини тезлик орқали ифодасини қуйидагича ёзамиз:

$$p = p_0 + \frac{1}{B} \left( \frac{v_0 h_0}{vb} - 1 \right) \quad (3)$$

$$\left( 1 - \frac{c^2}{v^2} \right) \frac{dv}{dx} = - \frac{c^2}{v_0 b_0} [b' + fk(p_0 B - 1)] - \frac{c^2 fk}{vb}$$


$b' = x/R_0$  ифодани бу тенгламага қўйиб, тенгламани ушбу кўринишга келтирамиз:

$$\frac{dv}{dx} = -\frac{c^2}{v_0 b_0 a} \left[ \frac{h_0 - h}{R_0} + fk(p_0 B - 1) \right] - \frac{c^2 fk}{vba} \quad (4)$$

бу ерда:  $a = 1 - c^2/v^2$ ,  $c = \sqrt{K/\rho_0}$ ,  $K = 1/B$  муҳитнинг ҳажмий сиқилиш модули.

(4)- тенглама оқимнинг колосник билан контактда бўлган ораликдаги тезлигини ифодалайди. 3-расмда самарадорлик коэффициентининг эгилиш коэффициенти  $B$  ва босим  $p_0$  нинг ҳар хил қийматларида тозалаш зонасида тақсимланиш графиклари келтирилган. Графиклар таҳлилидан коэффициент  $B$  ва дастлабки босим  $p_0$  ошганда самарадорлик коэффициенти ҳам ошишини кўриш мумкин.

Тозалаш технологияси талабларига кўра тозалаш жараёни амалга ошиши учун оқим зичлиги камайиб бориши лозим. Олинган тенгламаларни толанинг дастлабки қалинлигини 4 мм дан 15 мм гача бўлганда колосникдаги босим, зичлик, тезликка таъсири ва тола тозалагични



**3- расм. Эгилиш коэффициенти  $B$  ва дастлабки босим  $p_0$  (Па) нинг ҳар хил қийматларида тозалаш самарадорлиги ошишининг йўналтирувчи мосламага боғлиқлик графиги:**  
 1-  $p_0 = 5$  , 2-  $p_0 = 25$  , 3-  $p_0 = 45$  ,  
 4-  $p_0 = 65$ .

тозалаш самарадорлигига таъсири ўрганилди.

Тозалаш зонасида цилиндр узунлиги бўйича ўртача йўналтирилган тола оқимининг ҳаракат тенгламасини ёзамиз:

$$\rho v b \frac{dv}{dx} = -\frac{d(bp)}{dx} + pc + \frac{S \sin \alpha}{L} [p_1 \delta(x - x_1) + p_2 \delta(x - x_2)] \quad (5)$$

бу ерда:  $\rho = \rho(x)$ ,  $v = v(x)$ ,  $p = p(x)$  - тозалаш зонасида оқим зичлиги, тезлиги ва босимининг ўртача қийматлари,  $b = b_1 + kx$  -  $x$  ўзгарувчидан зона баландлиги ўзгариш тенгламаси ( $h_0$  - аррали цилиндр ва чўтка ўртасида  $x=0$ ,  $k = \tan \alpha$  кесимида,  $\alpha$  - чўтканинг эгилиш бурчаги),  $c = \sin \alpha + fk_0 \cos \alpha$ ,  $f$  - козырёк ва оқим ўртасидаги ишқаланиш коэффициенти,  $k_0$  - ён босим коэффициенти,  $S = \pi l_0$  - аррали цилиндрнинг оқим билан алоқа қилиш майдони,  $r$  - аррали цилиндрнинг радиуси,  $l_0$  - оқимнинг ичига кириш чуқурлиги,  $L$  - аррали цилиндрнинг узунлиги.

(5) тенгламадаги зичлик  $\rho$  ва босим  $p$  ўртасидаги боғлиқлик стационар оқим ҳаракатида массанинг сақланиш қонунига асосан ифодаланади.


$$\rho = \rho_0 [1 + A(p - p_0)] , \rho v b = \rho_0 v_0 b_0 = Q_0 \quad (6)$$

бу ерда:  $\rho_0 = \rho(l)$ ,  $p_0 = p(l)$ ,  $v_0 = v(l)$  ва  $b_0 = b(l)$ ,  $A$  - воситанинг мувофиқлик коэффициенти,  $Q_0$  - маҳсулот сарфи,  $l$  - тозалаш зонасининг узунлиги,

$\rho_0 = 12 \text{ kg/m}^3$ ,  $f = 0.3$ ,  $k = 0.6$ ,  $b_1 = 0.05$ ,  $\alpha = 40^\circ$ ,  $A = 0.0005 \text{ Pa}^{-1}$ ,  $Q_0 = 400 \text{ kg/s}$ ,  $R_0 = 0.006 \text{ m}$ ,  $l_0 = 0.09 \text{ m}$  ни

$$p = p_0 + \frac{1}{B} \left( \frac{v_0 h_0 l}{vb(l-l_a)} - 1 \right) \quad (7)$$

инобатга олиб, ўзгарувчан  $x$  ни  $p/p_0$  босимга боғлиқлик графиги 4-расмда келтирилган. Арраларнинг бири-бирига нисбатан ўқ бўйлаб силжиши натижасида, биринчи барабандан узатилган толалар оқими иккига бўлиниб, уларнинг оралиғи арранинг жойлашиши натижасида  $l_a$  га камаяди. Толани стационар ҳаракатида  $v_0 \rho_0 l b_0 = v \rho b(l-l_a)$  формулани эътиборга олиб, босим учун қуйидаги тенгламани ёзамиз:



**4- расм. Текислаш зонасида ўзгарувчан  $x$  билан  $p/p_0$  нинг муносабат боғлиқлиги**

Оқимдаги толанинг ҳар бир колосник билан ўзаро таъсиридан юзага келадиган тозалаш самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия этилди:

$$\varepsilon_i = 1 - (1 - \beta)^{i^2} \quad (8)$$

бу ерда  $i$  колосник номери,  $\beta = f/q_0$ ,  $q_0 = \frac{1}{B\rho_0 w_0^2} - 1$ ,  $w_0$  -тола оқимининг бошланғич тезлиги бўлиб, толанинг туташлик хусусияти сақланиши учун  $w_0 < c/\sqrt{1+f}$  шарт бажарилиши лозим.

Ҳар бир колосник таъсиридан сўнг ажралган ифлосликлар миқдори ушбу формула ёрдамида аниқланади

$$\Delta m_i = (m_0 - \Delta m_1 - \Delta m_2 - \dots - \Delta m_{i-1}) \varepsilon_i = m_0 (1 - \varepsilon_1)(1 - \varepsilon_2) \dots (1 - \varepsilon_{i-1}) \varepsilon_i$$

Ажралган ифлосликларнинг умумий миқдорини аниқлаш учун ҳисоблаш жараёнида  $\lambda = \lambda_0/i$  формула қабул қилиниб,  $\rho_0 = 10 \text{ кг./м}^3$ ,  $w_0 = 5 \text{ м/с}$ ,  $B = 0.0008 \text{ (Па)}^{-1}$ ,  $\lambda_0 = 0.2$ ,  $f = 0.3$ ,  $i = 1, 2, 3, 4, 5$ ,  $l = 0.007 \text{ м}$  ларда  $l_a = 0$  ва  $l_a = 0.002 \text{ м}$  учун амалга оширилган ва натижалари  $\varepsilon_{i_i}$  лар учун 1- жадвалда келтирилган.

**1- жадвал**

Катталик	$\varepsilon_1$	$\varepsilon_2$	$\varepsilon_3$	$\varepsilon_4$	$\varepsilon_5$
$l_a = 0.002 \text{ м}$	2.905	4.326	5.62	5.957	6.510
$l_a = 0$	1.170	1.750	2.134	2.422	2.651

2- жадвалда ҳар бир колосник таъсиридан сўнг ажралган ифлосликлар  $\Delta m_i$  ва уларинг умумий миқдори  $M$  ( $m_0$ га нисбатан % да) келтирилган.

Жадвал натижалари тола оқими ҳарактланадиган оралик  $l_a = 0.002m$  узунликка камайганда тозалаш самараларлигини ошишини кўрсатмоқда.

2- жадвал


Каттали к	$100\Delta m_1 / m_0$	$100\Delta m_2 / m_0$	$100\Delta m_3 / m_0$	$100\Delta m_4 / m_0$	$100\Delta m_5 / m_0$	$100M / m_0$
$l_a = 0.002$	5.388	5.243	4.888	4.200	2.905	22.624
$l_a = 0$	2.458	2.301	2.072	1.729	1.170	9.732

Тола тозалагичнинг самарадорлигини ошириш, биринчи аррали цилиндрдан толани транзит бўлиши олдини олиш, иккинчи аррали цилиндрда толани самарали титиш ва тараш билан чиқиндига толани ажралиш даражасини камайтириш бўйича олиб борилган назарий изланишлар натижаси тозалагичдаги иккинчи аррали цилиндрни биринчи аррали цилиндрга нисбатан 2 мм дан 4 мм гача силжитиш мақсадли эканлигини ва бунда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги 2 мм дан 3 мм гача силжишида 1÷2 мартага, 3 мм дан 4 мм гача силжишида эса ўртача 2÷2.5 мартагача ошишини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Такомиллаштирилган ишчи қисмли икки барабанли тола тозалаш ускунаси бўйича амалий изланишлар”** деб номланган учинчи бобида такомиллаштирилган икки барабанли тола тозалагичнинг лаборатория шароитидаги синов натижалари келтирилган. Назарий тадқиқотлар асосида биринчи аррали цилиндрнинг толани қабул қилиш зонасида тола оқимининг керакли қалинликда бўлиши ва цилиндрдаги арраларни толани илаштириш даражасини ошириш учун йўналтирувчи мослама ишлаб чиқарилган ҳамда лаборатория шароитидаги икки барабанли тола тозалагичга ўрнатилиб, тажрибалар ўтказилган (5, 6- расмлар). Машина ёрдамида терилган аррали жиндан кейинги намлиги 5,84% ва 6,1%, толадаги нуқсондор тола ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши 3,26% ва 3,23% бўлган С-6524 ва Наманган-77 селекцияли I нав 2 ва 3-синфли пахта толасини тозалашда йўналтирувчи мослама билан аррали цилиндрнинг оралик масофасини 6 мм дан 12 мм гача бўлганда тозалагич тозалаш самарадорлигининг ўсувчи функция эканлиги, бунга мос равишда ишлаб чиқарилаётган тола сифатининг яхшиланишини кўрсатди. Масофанинг 12 мм дан 15 мм гача бўлган ораликда тозалаш самарадорлигининг ва ишлаб чиқарилаётган тола сифатининг камайганлигини кўрсатди. Йўналтирувчи мослама билан аррали цилиндрнинг 12 мм оралик масофада ўрнатилишида толанинг керакли қатламда бўлиши ва аррали цилиндрдаги арраларни толани илаштириб олиш даражасининг ортиши кузатилди. Бунда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги қолган оралик масофалардаги тозалаш

самарадорлигига қараганда юқори бўлиб, ўртача 35,6% ни ташкил этди (7-расм). Ишлаб чиқарилаётган толанинг сифати яхшиланиб, навлар бўйича ўртача 2,1% ва 2,061% га тенг бўлганлигини кўрсатди (8-расм).

Иккинчи аррали цилиндр тезлигининг ўзгаришида тозалаш жараёнига



**5- расм. Йўналтирувчи мосламанинг чизма кўриниши**



а)



б)


**6- расм. а) Йўналтирувчи мосламанинг тажриба нусхаси, б) Лаборатория шароитидаги такомиллаштирилган икки барабанли тола тозалагичнинг ички кўриниши**

таъсир этишини инобатга олиб, тажриба ишлари иккинчи аррали цилиндр тезлигини 1620 айл/мин, 1635 айл/мин ва 1650 айл/мингача ўзгартирилиб, ўтказилди. Натижада аррали цилиндр тезлигини 1620 айл/мин дан 1635 айл/мин гача ошишида тозаланаётган толанинг сифати 0,03% га яхшиланганини, усқунанинг тозалаш самарадорлиги эса 1,2% га ошганини кўрсатди. Аррали цилиндрнинг тезлиги 1650 айл/минга етказилганда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги цилиндр тезлиги 1635 айл/мин га қараганда 1,4% га, ишлаб чиқарилган толанинг сифати 0,04% га камайгани аниқланди.


Иккинчи аррали цилиндрдаги арралар ўқи билан биринчи аррали цилиндрдаги арралар ўқи оралиқ масофасини 2 мм дан 4 мм гача силжитиб ўтказилган тадқиқот ишларининг натижасида (9- расм) ўқлар оралиғи 2 мм ва 3 мм бўлганда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги ўртача 35,0% дан 38,3% га ошганини, ўқлар оралиғи 4 мм бўлганда тозалаш самарадорлиги 37,7% ни ташкил этиб, 3 мм ли ўқ оралиғига қараганда тозалаш самарадорлиги 0,6% га камайганлигини кўрсатди. Тозалаш самарадорлигининг ошиши ва тола сифатининг яхшиланишини инобатга олиб, биринчи аррали цилиндрдаги арралар ўқи билан иккинчи аррали цилиндрдаги арралар ўқи оралиқ масофасини 3 мм катталиқда танлаб олиш мақсадли эканлиги аниқланди.

Тўлиқ омилли тажрибалар асосида йўналтирувчи мослама билан биринчи аррали цилиндрнинг, иккинчи аррали цилиндр тезлигининг ва иккинчи аррали цилиндрдаги арралар ўқи масофасини биринчи аррали

цилиндрдаги арралар ўқи масофасига нисбатан силжишининг муқобил катталиклари аниқланди. Бунга асосан биринчи аррали цилиндрда толани илаштириш даражасини яхшиланиши, тозалагич тозалаш самарадорлигининг ошиши, чиқинди толадорлигини камайиши ва тола сифатини яхшиланиши муқобил катталиклар бўлган йўналтирувчи мослама билан биринчи аррали цилиндр оралиқ масофасини 12 мм да, иккинчи аррали цилиндр тезлигини 1635 айл/минда ва иккинчи аррали цилиндрдаги арралар биринчи аррали цилиндрдаги арраларга нисбатан 3 мм масофага силжишида таъминланиши аниқланди (10- расм).




**7- расм. Тозалаш самарадорлигини ва чиқиндининг толадорлигини йўналтирувчи мослама билан аррали цилиндр оралиқ масофасига боғлиқлик гистограммаси (С-6524 селекцияли толани I нави)**  
 1- тозалаш самарадорлиги,  
 2- чиқинди-нинг толадорлиги



**8- расм. Толадаги нуқсондор тола ва ифлос аралашмалар массавий улушининг ўзгаришини йўналтирувчи мослама билан аррали цилиндр оралиқ масофасига боғлиқлик гистограммаси**  
 1- С-6524 селекцияли толани I нави,  
 2- Наманган-77 селекцияли толани I нави

Танлаб олинган муқобил катталикларда лаборатория шароитида С-6524 селекцияли I нав 2-синфли пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган намлиги 5,8% га, нуқсондор тола ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши 3,21% га тенг бўлган толани такомиллаштирилган икки барабанли тола тозалагичда тозаланишида тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги 39,7% ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган толадаги нуқсондор тола ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши 1,97% ни ташкил этиб, тола сифатининг яхшиланишидан O'zDst 632:2016 давлат стандарти бўйича I нав "Олий" синфга тўғри келди.





1, 2- биринчи ва иккинчи аррали  
цилиндрлар.

**9- расм. Иккинчи аррали  
цилиндрдаги арраларни биринчи  
аррали цилиндрдаги арраларга  
нисбатан 2 мм дан 4 мм гача  
силжиш схемаси**



**10- расм. Лаборатория  
кўринишидаги  
такомиллаштирилган икки  
барабанли тола тозалагич**

Диссертациянинг “Такомиллаштирилган конструкцияли икки барабанли тола тозалагични ишлаб чиқаришда синовдан ўтказиш ва иқтисодий самарадорлик ҳисоби” деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқаришда ўтказилган таққослаш-тадқиқот ишларининг натижаси келтирилди. Бунга асосан икки барабанли тола тозалагичнинг такомиллаштирилган ишчи қисмларининг саноат-тажриба нусхаси ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқарилган ишчи қисмлар Жиззах вилояти Зарбдор пахта тозалаш корхонасининг толани тозалаш технологик тизимидаги икки барабанли 2ВПМ русумли тола тозалагичга ўрнатилиб, тозалагич такомиллаштирилди (11, 12- расмлар) ва технологик тизимдаги оддий конструкцияли 2ВПМ русумли икки барабанли тола тозалагич билан таққослаш-тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот ишлари машина билан терилган қийин тозаланувчан Султон селекцияли пахтанинг I нав 2-синфида ва қўл билан терилган Ан-Баявут-2 селекцияли пахтанинг IV нав 2-синфида олиб борилди. Бунда пахтанинг бошланғич намлиги навлар бўйича 9,8% ва 11,2% ни, ифлослиги 4,1% ва 6,5% ни ташкил этди. Машина билан терилган I навли пахта толасини мавжуд икки барабанли 2ВПМ русумли тола тозалагичда тозаланишида тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги 33,3% ни, толани тозалашда ажралаётган чиқиндининг толадорлиги эса ўртача 15,45% ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган толанинг сифати 2,1% ни ташкил этиб, O’zDst 604:2016 давлат стандарти бўйича I нав “Яхши” синфга мансублиги аниқланди.

Қўл билан терилган IV навли пахта толасини мавжуд 2ВПМ русумли тола тозалагичда тозалашда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги 35,8% га тенг бўлди. Толани тозалашда ажралаётган чиқиндининг толадорлиги ўртача 15,45% га тенг бўлиб, тозаланган толанинг сифати 2,83% ни ташкил этди.

Машина билан терилган I навли пахта толасини такомиллаштирилган икки барабанли тола тозалагичда тозаланишида тозалагичнинг тозалаш

самарадорлиги мавжуд 2ВПМ русумли тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлигига қараганда 4,5% га юқори эканлигини кўрсатди. Ишлаб чиқарилган толанинг сифат кўрсаткичи 1,94% ни ташкил этиб, тола сифатининг яхшиланишидан О'zDst 604:2016 давлат стандарти бўйича I нав "Олий" синфга мансублиги аниқланди.

Қўл билан терилган IV нав пахта толасини такомиллаштирилган икки барабанли тола тозалагичда тозаланишида тозалагични тозалаш самарадорлиги мавжуд 2ВПМ русумли тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлигига қараганда 2,5% га юқори эканлигини кўрсатди. Ишлаб чиқарилган толанинг сифати 2,74% ни ташкил этиб, О'zDst 604:2016 давлат стандарти бўйича IV нав "Яхши" синфга мансублиги аниқланди.



**11- расм.**

**Такомиллаштирилган икки барабанли тола тозалагичнинг умумий кўриниши**



**12- расм. Йўналтирувчи мослама**

**ўрнатилган икки барабанли тола тозалагичнинг ички кўриниши 1-аррали цилиндр, 2-махкамловчи чўтка 3-йўналтирувчи мослама**

Тадқиқот натижаларидан қийин тозаланувчан Султон селекцияли I нав 2-синфли пахтани ва қўлда терилган Ан-Баявут-2 селекцияли IV нав 2-синфли пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган толани тозалашда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги мавжуд 2ВПМ русумли тола тозалагичга қараганда юқори эканлигини, толани тозалашда тола таркибидан майда ва йирик ифлосликларни ҳамда улюкни самарали ажратиб, тола сифатининг ошишига олиб келиши ўрганилди.

Икки барабанли тола тозалагичга янги конструкцияли йўналтирувчи мосламани тадбиқ қилиш ва тозалагичдаги иккинчи аррали цилиндрни такомиллаштириш ҳисобига кутилаётган иқтисодий самарадорлик битта пахта тозалаш корхонасига бир йилга 467024,0 минг сўмни ташкил этди.

## **ХУЛОСА**

Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Маҳаллий бир барабанли 1ВПУ русумли тола тозалагичда юқори ва паст навли пахта толасини тозалашда, тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги унинг техник характеристикасидан 6-8 % га кам бўлиб, ўртача 21-29% ни

ташқил этган. Толани тозалашда чиқиндининг толадорлиги техник характеристикасига қараганда ўртача 10-15% га юқори бўлиб, ишлаб чиқарилаётган толанинг миқдорига салбий таъсир этган.

2. Пахта соҳасида ривожланган АҚШ, Хитой, Хиндистон давлатларида ишлатилаётган аэродинамик усулда толани тозалаш ускуналарининг тозалаш самарадорлиги кам бўлиб, юқори ва паст навли пахта толасини тозалашда 12-18% ни ташқил этган. Пневмомеханик усулда толани тозалайдиган тола тозалагичларнинг тозалаш самарадорлиги эса юқори ва паст навли толани тозалашда ўртача 40-45% ни ташқил этган. Лекин тозалагичдаги таъминловчи валик ва таъминловчи столик зонасида толанинг узилиши ҳисобига тўқимачилик корхоналари учун зарур бўлган толанинг ўртача штапел узунлиги 1,5-3 мм гача қисқарган. Бундан ташқари толани чуқур тозаланиши ҳисобига чиқиндининг толадорлиги юқори бўлиб, ўртача 45-55% ни ташқил этган. Бу ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган тола миқдорининг камайишига сабаб бўлган.

3. Ишлаб чиқаришдаги икки барабанли 2ВПМ русумли тола тозалагич конструкциясидаги камчиликлар оқибатида юқори ва паст навли толани тозалашда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги унинг техник характеристикасидаги тозалаш самарадорлигига қараганда ўртача 5-8% га кам эканлигидан “Олий” синфга мансуб толанинг ишлаб чиқарилиши камайган. Бундан ташқари толани тозалашда чиқиндига йиғиришга яроқли толанинг меъёрдагидан 8-10% кўп миқдорда ажралиши сабабли ишлаб чиқарилаётган умумий тола миқдорини камайиши юзага келган.

4. Аррали жиндан келаётган толани биринчи аррали цилиндр билан учрашишида тола оқимининг қалинлиги 4 мм дан 15 мм гача диапазонда ўзгаришида тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлигига таъсирининг жараёни моделлаштирилди. Ушбу диапазонда аррали цилиндрнинг толани илаштирувчанлигини ошириши билан тозалаш зонасида тола оқими тезлигининг ва босимнинг ошириши боришига олиб келиши ва колосниклар томонидан бериладиган зарба кучлари таъсирида толадан ифлосликларни самарали ажралиши аниқланди.

5. Тола оқимини стационар ҳолатда деб олиб массанинг сақланиш қонунидан фойдаланилган ҳолда биринчи аррали цилиндр ҳосил қиладиган босимни аниқлаш учун ушбу зонани тўлдириб турадиган толанинг массаси ва зичлиги аналитик усулда аниқланди.

6. Иккинчи аррали цилиндрни биринчи аррали цилиндрга нисбатан 2 мм дан 3 мм гача силжишида тозалаш самарадорлиги ўртача  $1 \div 2$  мартага, 3 мм дан 4 мм гача силжишида ўртача  $2 \div 2.5$  мартагача ошириши назарий томондан ўрганилди ва аналитик ечимлари олинди.

7. Тўлиқ омилли тажрибалар асосида йўналтирувчи мослама билан биринчи аррали цилиндрнинг, иккинчи аррали цилиндр тезлигининг ва иккинчи аррали цилиндрдаги арралар ўқи масофасини биринчи аррали цилиндрдаги арралар ўқи масофасига нисбатан силжишининг муқобил катталиклари аниқланди. Бунга асосан йўналтирувчи мослама билан биринчи аррали цилиндр оралиқ масофасини 12 мм да, иккинчи аррали цилиндр

тезлигини 1635 айл/мин да ва иккинчи аррали цилиндрдаги арралар ўқини биринчи аррали цилиндрдаги арралар ўқига нисбатан 3 мм масофага силжиши мақсадли эканлиги аниқланди.

8. Ишлаб чиқаришда машина билан терилган I нав 2-синфли пахта толасини такомиллаштирилган икки барабанли тола тозалагичда тозаланишидан ишлаб чиқарилган толадаги нуқсондор тола ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 1,94% ни ташкил этиб, тола сифатининг яхшиланишидан O'zDst 604:2016 давлат стандарти бўйича I нав "Олий" синфга мансублиги аниқланди. Бунда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги ўртача 37,8% ни ташкил этиб, мавжуд 2ВПМ русумли тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлигига қараганда 4,5% га юқори эканлигини кўрсатди. Толани тозалашда чиқиндининг толадорлиги 13,11% га тенг бўлиб, мавжуд 2ВПМ русумли тола тозалагичдан ажралаётган чиқиндининг толадорлигига қараганда 2,34% га кам эканлиги аниқланди.

9. Қўл билан терилган IV нав 2-синфли пахта толасини такомиллаштирилган икки барабанли тола тозалагичда тозаланишидан ишлаб чиқарилган толадаги нуқсондор тола ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 2,74% ни ташкил этди. Бунда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги 38,3% ни ташкил этиб, мавжуд 2ВПМ русумли тола тозалагичда IV нав 2-синфли толани тозалашдаги самарадорлигига қараганда 2,5% га юқори эканлиги аниқланди. Толани тозалашда чиқиндининг толадорлиги ўртача 20,08% ни ташкил этиб, 2ВПМ русумли тола тозалагичдан ажралаётган чиқиндининг толадорлигига қараганда 2,21% га кам эканлигини кўрсатди.

10. Икки барабанли тола тозалагичга янги конструкцияли йўналтирувчи мосламани тадбиқ қилиш ва тозалагичдаги иккинчи аррали цилиндрни такомиллаштириш ҳисобига кутилаётган иқтисодий самарадорлик битта пахта тозалаш корхонасига бир йилга 467024,0 минг сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.Т.115.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ДЖИЗАКСКОМ  
ПОЛИТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ДЖИЗАКСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ЭГАМБЕРДИЕВ ФАЗЛИДДИН ОТАКУЛОВИЧ**

**«РАЗРАБОТКА МОДЕРНИЗИРОВАННОГО ВОЛОКНООЧИСТИТЕЛЯ  
ДЛЯ ЭФФЕКТИВНОЙ ОЧИСТКИ ХЛОПКОВОГО ВОЛОКНА  
МАШИННОГО СБОРА ХЛОПКА-СЫРЦА»**

**05.06.02 - Технология текстильных материалов и первичная  
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей  
Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за  
№ В2020.3PhD/Т.1463.

---

Диссертация выполнена в Джизакском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ученого совета при Джизакском политехническом институте ([www.jizpi.uz](http://www.jizpi.uz)) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Жуманиязов Кадам</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Сулаймонов Рустам Шенникович</b> доктор технических наук, старший научный сотрудник <b>Исмоилов Алишер</b> кандидат технических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Бухарский инженерно-технологический институт</b>

Защита диссертации состоится «29» декабря 2020 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.Т.115.01 при Джизакском политехническом институте по адресу: 130100, г. Джизак, ул. И.Каримова-4, Административное здание Джизакского политехнического института, малый зал конференции, тел. (372) 226-46-05, факс: (372) 226-45-47; e-mail: [dgpi\\_info@edu.uz](mailto:dgpi_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Джизакского политехнического института (зарегистрирована под № 48).

Адрес: 130100, г. Джизак, ул. И.Каримова-4, (372) 226-46-05.

Автореферат диссертации разослан «21» декабря 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 1 от «21» декабря 2020 года).



**А.Усманкулов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**И.Аббазов**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.т.н.

**А.Парпиев**  
Председатель Научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день Узбекистан занимает достойное место в мировом сообществе. Согласно статистике Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC), среднее мировое производство хлопкового волокна составляет 23,0 млн. тонн<sup>1</sup>. Ведущими странами мира по производству хлопкового волокна являются Индия и Китай, где количество производимого волокна составляет в среднем 24,5% от количества волокна, производимого во всем мире. Высокий уровень конкуренции на мировом рынке волокна и готовой продукции, необходимость расширения производства конкурентоспособных качественных текстильных изделий показывает, что необходимо дальнейшее улучшение качества волокна, прежде всего за счет совершенствования методов очистки волокна при первичной обработке хлопка.

В мировой практике одними из важных вопросов являются широкое применение современной техники и технологии, особенно сохранение качественных показателей при первичной переработке хлопкового сырья, использование техники и технологии с высоким очистительным эффектом, а также их разработка.

Для этого важно провести масштабные исследования техники и технологий первичной обработки хлопка. При этом необходимо разработать научно обоснованный волоконоочиститель, который эффективно очищает хлопковое волокно хлопка-сырца ручного и машинного сбора, определить параметры улучшенных рабочих органов, ускоряющих процесс очистки волокон, и оптимизировать их.

За счёт обработки хлопкового волокна, выращенного в нашей стране, вместе с производством готовой продукции и повышением экспортного потенциала, предусматривается поставка качественной и готовой продукции на внутренний и внешний рынки. Это обеспечит нам надежный доступ к мировым торговле, создавая новый конкурентоспособный облик отраслям легкой промышленности.

По этому направлению в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, определена задача «... повышения конкурентоспособности национальной экономики, снижение энерго- и ресурсозатратности в экономике, повсеместное внедрение энергосберегающих технологий в производство...»<sup>2</sup>. Для выполнения этой цели создание модернизированной и эффективной техники и технологии очистки хлопкового волокна является одной из важных задач.

Диссертационная работа в определенной степени служит для выполнения задач, отмеченных в Постановлении Президента Республики Узбекистан

<sup>1</sup>Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com/>; <http://www.ICAC.org>.

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан ПУ-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действия по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан».

ПП - 4707 от 4 марта 2015 года «О Программе мероприятий по структурным реформам, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы», Указе ПУ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 6 марта 2020 года ПП-4633 «О мерах по широкому внедрению рыночных отношений в хлопковую промышленность», Постановлении Кабинета Министров №53 от 25 ноября 2018 г. «О дополнительных мерах по организации деятельности хлопковой и текстильной производств и кластеров», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 14 января 2020 года «О мерах по повышению уровня механизации сбора хлопка в регионах страны Республики», а также данная диссертация посвящена реализации определённых задач, поставленных в других нормативно-правовых актах, касающихся этой деятельности.

